



Кирол Абдулазиз университетининг Ислом молия институти (IEI) Ислом молияси бўйича топ-менежерлар учун ўзининг биринчи халкаро илмий дастурини якунлади. 4 кунлик дастур мобайнида турли давлатларнинг кўзга кўринган мутахассислари, жумладан Испаниядан, Marmon Abogados фирмасида фаолият олиб борувчи хукукшунос Хосе Диаз (Jose Diaz), Токиодаги Norinchkin Bank топ-менежери Масато Имаи (Masato Imai); Испаниядаги RENFE топ-менежери Энрике Пена (Enrique Pena) ва банк соҳасидаги бошка мутахассислар маъруза ва нутклари билан сўзга чикишди. Дастур спикерлари Ислом молияси билан бўглик бўлган кенг кўламдаги мавзуларни мухокама килишди.

Хусусан Ислом молия институти тадқикотчиси Ахмад Билвафий (Ahmed Belouafi) молиявий ресурсларни мобиллаштириш борасидаги маърузасини такдим этди. Селия Деанка (Celia Deanca) эса Ислом банкчилигининг хозирги холати ва келгусидаги истикболини тавсифлаб берди. Молиявий махсулотларни ривожлантириш маркази раҳбари Самий Сувайлам (Sami Suwailem) Ислом сармояси мавзусидаги такдимоти билан сўзга чикиб, куйидаги мавзууни омма билан ўртоклашди: "Янги Исломий сармояларни ишлаб чикишнинг асосий жихатлари."

Мутахассис Мариано Алдама (Mariano Aldama) катнашувчиларни жорий йил секторидаги кутилаётган холатлар билан танишириб ўтди ва Исломий молия бозорининг хажми 2017 йили 2,5 триллион доллардан ошиши мумкинлигини эътироф этди.

Ислом Молия институти декани Абдуллоҳ Туркистоний (Abdullah Turkistani) дастурнинг барча иштирокчилари ва ташкилотчиларига, хусусан координатор Калим Алам (Kaleem Alam)га ўз миннатдорчилигини билдириди, деб ёзади Муслимэко.

Манба: Муслимэко"